

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА МЕНОВАЗАН

Препаратнинг савдо номи: Меновазан

Дори шакли: суртма

Таркиби:

1 г суртма қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: 25 мг рацемик ментол, 10 мг новокаин (прокаин гидрохлориди), 10 мг анестезин (бензокаин);

ёрдамчи моддалар: минерал мойи, ок. юмшок. парафин, эмульгатор Т-2, тозаланган сув.

Таърифи: ок: рангли ментол хидли суртма.

Фармакотерапевтик гуруҳи: маҳаллий оғриқсизлантирувчи восита.

АТХ коди: D04AX

Фармакологик хусусиятлари

Меновазан - бу мажмуавий препарат ва унинг хусусиятлари фаол компонентларнинг таъсири билан боғлиқ. Хусусан, ментолнинг совук. рецепторларга селектив таъсири туфайли суртма совукпи хис килишни чакиради, қитикловчи таъсири эса биров анестезия билан алмашиши мумкин. Ментол рефлектор равишда томирларнинг тонусини узгартиради. Бу юза жойланган томирларга ҳам, чуқур жойлашган тукима ва ички аъзоларнинг томирларига ҳам тааллуқлидир.

Новокаин етарли даражадаги яққол анестезияловчи фаоллик курсатади. У томирларнинг тонусини узгартрмайди.

Анестезин юза апестезияни чакиради. Курсатилган компонентларни бир препаратда қўшилиши нерв рецепторлари ва утказгичларини улар билан бевосита контактда қўзғалувчанлик ва утказувчанлигиош қайтар бузилишини чакириш қобилиятини таъминлайди, таъсирловчи ва чалғитувчи таъсир кўрсатади, нерв толаси мембраналарининг кқўзғалувчанлигини сусайтиради, ҳаракат потенциали амплитудасини пасайтиради, нерв толаси мембранасининг кутбсизланиш бусағасини оширади, ҳаракат потенциалининг кўтарилиш босқичини ривожланиш тезлигини секинлаштириш, нерв элементларида қўзғалиш даражасини пасайтиради.

Қўлланилиши

Невралгия, миалгия, артралгиялар, кичишувчи дерматозларда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Сиртга кунига 2-3 марта терининг оғриқли соҳаларига суртиш учун қўлланади. Даволаш курси касалликнинг кечиши ва шаклига, шунингдек йўлдош даволашнинг характерига боғлиқ. Максимал суткалик доза 9 г ни ташкил қилади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар (шу жумладан, гиперемия, терини таъсирланиши, кичишиш, тошма, шиш, эшакеми), контакт дерматит бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Қўллашдаги хавфсизлик чоралари

Аллергик реакция кўринишлари бўлган терига, юз терисига, шикастланган терига суртилмасин.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Бошқа маҳаллий таъсир этувчи препаратлар билан бир вақтда қўллаш (маҳаллий анестезияловчи таъсирга эга препаратларнинг самараси препаратнинг компонентлари (новокаин, анестезин) сульфаниламид антибактериал таъсирини сусайтиради. Бир вақтда ҳар қандай бошқа дори воситалари қўлланганида шифокорга хабар бериш керак.

Махсус кўрсатмалар

Хомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши

Препаратни хомиладорлик ёки эмизиш даврида қўллашнинг тажрибаси йук

Болалар

12 ёшгача бўлган болаларда қўлланмасин.

Автотранспортларни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти

Бош айланиши мумкинлиги туфайли автотранспортни бошқариш ёки механизмлар билан ишлашдан сақланиш керак.

Дозани ошириб юборилиши

Узоқ муддат қўлланганида бош айланиши, умумий ҳолсизлик, артериал босимни пасайиши, аллергия реакциялар бўлиши мумкин.

Бундай симптомлари пайдо бўлганида препаратни бекор қилиш, терининг юзасидан қолдиқларини сув билан ювиб ташлаш ва шифокорга муружаат қилиш керак. Даволаш симптоматик.

Чиқарилиш шакли

40 г дан тубаларда, қутида.

Сақлаш шароити

20°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан кейин препарат ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили.

«ДКП «Фармацевтическая фабрика» МЧЖ. Украина, 10014, Житомир ш., Лермонтов куч., 5.

Ишлаб чиқарувчининг манзили ва фаолиятини амалга ошириш манзили

Украина, 12430, Житомир вилояти., Житомир тумани, Станишовка к., Королева кўч., 4уй.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати буйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили

«Фарм Люкс» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси, 140100, Самарканд ш., Спитамен шох куч., 100 Б. Тел.: +998662397263.